ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ҲАМРОЕВ ИЛЁС АМИРОВИЧ

ТЕМИРЧАКЛАР БИОЭКОЛОГИЯСИНИ ЎРГАНИШ ВА УЛАРНИНГ ЗАРАРЛИ ТУРЛАРИГА ҚАРШИ ЗАМОНАВИЙ КУРАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

06.01.09 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2019

УЎТ: 632.728.934.937.14.

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural sciences

Ҳамроев Илёс Амирович
Темирчаклар биоэкологиясини ўрганиш ва уларнинг зарарли турларига қарши замонавий кураш усулларини такомиллаштириш 3

Хамроев Илёс Амирович
Изучение биоэкологии кузнечиков и совершенствование современных методов борьбы с их вредными видами 21

Khamroev Ilyos Amirovich
To research of bio-ecology of grasshoppers and improvement of methods of control of harmful species..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 42

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ҲАМРОЕВ ИЛЁС АМИРОВИЧ

ТЕМИРЧАКЛАР БИОЭКОЛОГИЯСИНИ ЎРГАНИШ ВА УЛАРНИНГ ЗАРАРЛИ ТУРЛАРИГА ҚАРШИ ЗАМОНАВИЙ КУРАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

06.01.09 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2019

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/Qx311 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Гаппаров Фуркат Ахатович** қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Торениязов Елмурат Шерниязович** қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
	Юлдашев Фаррухбек Эргашбоевич қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	**ЎзФА Зоология институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (538318- рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «___» _____даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Сулаймонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

Я.Х.Юлдашов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.н., доцент

М.М.Адилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда тўғриқанотлилар туркумига мансуб темирчаклар, чигирткалар, чирилдоқлар ва бузоқбошлар кенг тарқалган ҳашаротлар ҳисобланиб, уларнинг ер куррамизда 20000 дан ортиқ турлари мавжуд. Яқин ҳамдўстлик давлатларида эса 800 дан ортиқ турлари тарқалиб, ҳозирги даврда ҳам зарарли темирчак ва чигирткаларнинг кўпайиши ва тарқалиб жиддий зарар етказиши оқибатида Африка, Австралия ва Осиё мамлакатларида олинаётган ҳосилнинг пасайиб кетиш ҳолатлари кузатилмоқда[1]. Ҳозирги кунда ер юзида иқтисодий инқироз юзага келиши туфайли барча ресурслардан оқилона фойдаланиб, тежамкор технологияларни қишлоқ хўжалигида, хусусан, ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида кенг жорий этиш долзарб вазифалардан биридир.

Дунёда қишлоқ хўжалиги экинларига жиддий хавф туғдираётган зараркунандалардан бири – тўғриқанотлилар туркумига мансуб бўлган темирчакларнинг зарарли турлари ҳисобланади. Олимлар томонидан, ушбу зараркунанда турлари, уларнинг иқтисодий зарар бериш миқдор мезони, қишлоқ хўжалик экинларига келтирадиган зарари, уларнинг ривожланиш хусусиятлари, фенологияси, биоэкологияси, тарқалиш фаунаси ва тур-таркиби маълум даражада ўрганилишига қарамасдан, бу борада яна ҳам илмий-тадқиқот ишларини изчил давом эттиришни тақозо қилмоқда. Шунинг учун ҳам, ушбу зараркунанда тўғрисида янги илмий маълумотлар тўплаш ҳамда уларга қарши самарали препаратларни ишлатиш ва атроф-муҳитга безарар бўлган илмий асосланган кураш тадбирларини ўтказиш зарур.

Республикамизда темирчакларнинг зарарли турлари ғўза, ғалла, боғ ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари атрофларида кўпайиб, зарар келтириши ҳисобига экинлардан олинаётган ҳосил пасайиб, зараркунандага қарши кураш тадбирини ўтказишни тақозо этади. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг 3.3 бандида “...ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя килиш чоралари ишлаб чиқиш ва жорий қилиш” қишлоқ хўжалигида устувор вазифа сифатида белгилаб берилган. Шу сабабли, зарарли темирчакларнинг қишлоқ хўжалик экинларга жиддий зарар келтирадиган турларини аниқлаш, уларнинг ривожланиш хусусиятларини, биоэкологиясини ўрганиш ҳамда уларга қарши атроф-муҳитга безарар замонавий кураш усулларини қўллаш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим стратегик вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 декабрдаги ПҚ-2460-сон 2016-2020 йилларда “Қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 24 октябрдаги ПҚ 2640-сон “Қишлоқ хўжалигида ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимёвий хизматлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

[1]http://www.fao.ru

ҳамда мазкур фаолиятга оид меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат килади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Темирчакларнинг дунёнинг турли минтақаларида биологияси, экологияси, тур-таркиби, систематик таҳлили, ривожланиш хусусиятлари, зарари бўйича хорижий олимлардан Г.Я.Бей-Биенко, Л.Л.Мищенко, А.А.Бенедиктов, М.В.Столяров, Т.Б.Токгаев, А.В.Гарохов ҳамда маҳаллий олимлардан А.А.Бекузин, Р.Алимжонов, Н.Э.Эргашев, М.Ж.Медетов ва бошқа олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Аммо темирчакларнинг зарарли турларини аниқлаш, уларнинг турли ўчоқларда тарқалиши, қишлоқ хўжалик экинларига етказадиган зарари ҳамда уларга қарши кураш бўйича илмий тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Юқорида келтирилган муаммоларни инобатга олиб, республикамиз ҳудудларида тарқалган темирчакларнинг зарарли турларини аниқлаш, уларнинг биоэкологик ривожланиш хусусиятларини ўрганиш ҳамда уларга қарши микробиологик ва турли кимёвий гуруҳга мансуб инсектицидларнинг самарадорликларини аниқлаш бўйича тадқиқотларни ўтказиш долзарб муаммо ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-10-086 “Ўзбекистонда зарарли чигирткаларнинг экологик мониторинги ва уларга қарши кураш тизимини модернизация қилиш” (2009-2012 йй.), ҚХА-9-056 “Ўзбекистонда зарарли чигирткаларга қарши микробиологик кураш тизимини ишлаб чиқиш” (2012-2014 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади темирчакларнинг тур таркибини ўрганиш ҳамда уларнинг зарарли турларини белгилаш, тарқалиши, ривожланиши ва қишлоқ хўжалиги экинларига етказадиган зарарини ўрганиш ҳамда зарарли турларига қарши янги замонавий микробиологик ва кимёвий воситаларнинг биологик самарадорликларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат**:**

темирчаклар оиласининг муҳим вакиллари: думли, яшил, оқ пешонали оддий кулранг ва Плотников темирчакларини морфологик ва биологик хусусиятларини ўрганиш;

зарарли темирчаклар тур таркибини шаклланиши ва уларнинг миқдори ва меъёрларининг ўзгаришига антропоген омилларнинг таъсирини аниқлаш;

зарарли темирчакларга қарши истиқболли пиретроид препаратларнинг қўллаш самарадорлигини баҳолаш;

атроф-муҳит ва фойдали ҳашаротларга нисбатан хавфсиз гормонал, яъни ҳашаротлар ўсишини бошқарувчи препаратларни зарарли темирчакларга қарши қўллаш регламентларини ишлаб чиқиш;

зарарли темирчакларга қарши янги микробиологик биопрепарат – метаризумни қўллаш самарадорлигини аниқлаш;

турли кимёвий гуруҳларга мансуб замонавий препаратларнинг зарарли темирчакларга қарши қўллашнинг самарадорлигини аниқлаш;

зарарли темирчакларга қарши қўлланилган кимёвий препаратларнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлигини илмий асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида темирчакларнинг республикамизда учрайдиган турларидан думли темирчак *(Tettigonia caudata Ch.),* яшил темирчак *(Tettigonia viridissima L.),* оқ пешона темирчак *(Decticus albifrons F.),* оддий кулранг темирчак *(Decticus verrucivorus)* ҳамда Плотников (*Semenoviana plotnikovi*) темирчаклари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети темирчакларнинг зарарли турларига қарши қўлланилган янги замонавий, микробиологик ва турли кимёвий гуруҳларга мансуб препаратлар ҳисобданади.

Тадқиқотнинг усуллари. Зарарли темирчакларнинг сонини (зичлигини) аниқлашда анъанавий Е.П.Цыпленков, В.В.Курдюков ва бошқ., М.И.Рашидов ва бошқ. усулларидан фойдаланилди. Зарарли темирчакларнинг тур таркибини аниқлашда Г.Я.Бей-Биенко, Л.Л.Мищенко, Л.М.Копанева, зарарли темирчакларнинг табиий кушандалари: текинхўр ва йиртқич ҳашаротларини ўрганишда Л.М.Копанева аниқлагичларидан фойдаланилди. Биологик ва агротоксикологик тадқиқотларни олиб боришда В.В.Курдюков, Ш.Т.Хўжаев, Ф.А.Гаппаров услубидан фойдаланилди. Препаратларнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаб чиқариш учун Н.Р.Гончаров ва бошқ., томонидан яратилган усулдан фойдаланилди. Тажрибалардан олинган маълумотлар К.А.Гар ва Б.А.Доспехов томонидан тавсия этилган услублари бўйича дисперсион таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор республикамиз вилоятларида темирчакларнинг 5 авлодига мансуб 12 турлари қайд этилиб, уларнинг турли ҳудудлар бўйича тарқалиши хамда 5 та зарарли турлари аниқланган;

қишлоқ хўжалигига зарар келтирадиган турлардан думли, яшил, оқ пешона ва оддий кулранг темирчакларнинг ривожланиш фенологияси, урғочи зотларининг жинсий маҳсулдорлиги, қишлоқ хўжалик экинлари билан озиқланиши, думли темирчакнинг турли ривожланиш фазаларидаги ўлчамлари аниқланган;

зарарли темирчакларга қарши қўллаш учун экологик тоза ва атроф-мухитга безарар микробиологик Грин Гард с.э. препаратини қўллаш орқали юқори биологик самарадорликка эришилган;

зарарли темирчакларга қарши турли кимёвий гуруҳга мансуб янги, жумладан 10 та пиретроид, 2 та гормонал таъсирга эга бўлган, 2 та неоникотиноидлар гуруҳига мансуб, 2 та фенилпиразоллар гуруҳига мансуб кимёвий инсектицидларнинг қўллаш сарф-меъёрлари белгиланиб, уларнинг биологик самарадорлиги аниқланган;

зарарли темирчакларга қарши қўлланиладиган турли гуруҳга мансуб воситаларнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

республикада тарқалган зарарли темирчаклардан, хусусан думли темирчак биологияси ва экологиясига оид янги маълумотлар олинган;

темирчакларнинг зарарли турларига қарши турли кимёвий гуруҳларга мансуб янги, Циракс, Каратэ, Эсфен альфа, Суми альфа 20%, Фаскорд, Пилардельта, Атилла, Киллер, Децис, Энтометрин, Римон, Мерган ОФ-6, Имидор, Пилармос, Эконил, Дербент препаратлар қўлланилганда юқори биологик самарани қайд этиши илмий исботланган;

темирчакларнинг зарарли турларига қарши Грин Гард микробиологик биопрепаратининг қўллаш технологияси илмий асослаб берилган;

ўтказилган тажрибалар асосида зарарли темирчакларга қарши курашда чора-тадбирларининг амалий аҳамияти, яъни кунгабоқар ўсимлигини зарарли темирчаклардан ҳимоялаш орқали 2,0-3,0 ц қўшимча ҳосил олиш имконини бериши, мазкур ҳимоя тадбирида сарфланган харажатни оқлаш эса 17,7; 21,4 ва 14,2 мартани ташкил этиши илмий асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ўтказилган лаборатория ва дала тажрибалари услубий жиҳатдан тўғрилиги, махсус ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосалар асосланганлиги, илмий тадқиқот ишлари чуқур математик-статистик таҳлил қилинганлиги, тадқиқот натижалари республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, диссертация натижалари Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги ва натижалари амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон шароитида темирчакларнинг тур-таркиби, биоэкологияси, зарар келтириш даражасини аниқлаш ва уларга қарши кураш чораларидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса темирчакларнинг зарарли турларига қарши курашда кимёвий ва микробиологик препаратлар билан ишловлар ўтказилиб, қишлоқ хўжалик экинларидан олинадиган ҳосилни сақлаб қолиш ҳамда аҳолини экологик соф озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаши билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда учрайдиган темирчакларнинг зарарли турларининг биоэкологиясини ўрганиш ва уларга қарши кураш бўйича тадқиқотлар ва олинган натижалар асосида:

Жиззах вилоятининг Зарбдор туманидаги яйлов ва қишлоқ хўжалиги атрофидаги ҳудудларда жами 1000 гектар майдонда зарарли темирчакларга карши Мерган ОФ-6, 6% м.с. (0,25 л/га) ва Римон, 10% эм.к, (0,03-0,06 л/га) кимёвий препаратларини ишлатиш жорий қилинган Натижада, 21 кундан сўнг ушбу кимёвий препаратларни ишлатиш туфайли 85,0% дан юқори биологик самарадорликка эришилган;

Тошкент вилояти ҳудудларида зарарли темирчакларга қарши Фаскорд, 100 г/л эм.к. (0,1 л/га), Эсфен альфа 5% к.э. (0,2 л/га), Атилла, 5% эм.к. (0,15-0,25 л/га) ва Багира 20% с.э.к. (0,05-0,1 л/га) препаратлари 55906 гектар майдонга жорий этилган (“Ўзагрокимёҳимоя” АЖнинг 2018 йил 2 ноябрдаги 02-13/1769 сон маълумотномаси). Натижада зараркунандаларнинг 85,5-90,6% гача камайиши сабабли бир гектар майдондан назоратга нисбатан (кунгабоқар экинида) 2-3 ц қўшимча ҳосил сақлаб қолинган;

зарарли темирчак турларига қарши Жиззах вилоятида 1000 га ва Тошкент вилоятида 55906 га майдонда кимёвий препаратлардан: Фаскорд (0,1 л/га), Эсфен альфа (0,2 л/га), Атилла (0,15-0,25 л/га), Римон (0,03-0,06 л/га), Дербент (0,04-0,05 л/га) ва Мерган (0,25 л/га) препаратлари жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 4 декабрдаги 07/23-1121-сон маълумотномаси). Натижада яйлов ва мойли экинларда зарарли темирчаклар миқдори 85-90% га камайтирилган ва ҳар бир гектардан мос равишда 1646548,7-1705181,7 сўм соф даромад олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та, шу жумладан 2 халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертацияларини асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан 10 та республика ва 2 та хорижий журналларда ҳамда 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатиб ўтилган, тадқиқот ишларининг илмий янгилиги ва амалий натижалари очиб

берилган, натижаларни амалиётга жорий этиш, нашр қилинган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Темирчаклар биоэкологиясини ўрганиш ва уларнинг зарарли турларига қарши замонавий кураш усулларини такомиллаштириш”** деб номланувчи биринчи бобида ўрганилаётган мавзуга тааллуқли бўлган маҳаллий ва хорижий илмий адабий манбалар, кўплаб олимларнинг олиб борган илмий тадқиқот ишлари, интернет маълумотлари келтирилган ва шуларга асосланган ҳолда темирчаклар биоэкологияси ва уларнинг зарарли турлари, уларнинг тарқалиши ва келтирадиган зарари, зарарли темирчакларга қарши курашнинг усулларини ўрганиш бўйича ўтказилган илмий тадқиқот ишларининг натижалари таҳлил қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш жойи ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган жойларнинг тупроқ-иқлим шароитлари, географик жойлашуви ва тажриба ишларида фойдаланилган тадқиқот усуллари баён қилинган. Илмий тадқиқотлар 2007-2018 йиллар мобайнида Тошкент, Жиззах, вилоятларининг зарарли темирчаклар тарқалган худудларида ва ЎҲҚИТИ лабораторияларида ўтказилган.

Темирчаклар тур таркиби, уларнинг тарқалиш хусусиятлари республиканинг қатор вилоятларида: Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарёда ўтказилган йўналиш бўйича кузатувларда амалга оширилди. Темирчакларни тур таркиби, ёш кўрсатгичлари Г.Я.Бей-Биенко, Л.Л.Мищенко, Л.М.Копанева, аниқлагичлари ёрдамида аниқланган.

Темирчакларни сонини, зичлигини ҳисоблаш, намуна тўплаш баҳор ва ёз ойларида, темирчаклар кўп тарқалган майдонларда, анъанавий Е.П.Цыпленков, В.В. Курдюков ва б., М.И.Рашидов ва б., услублари асосида олиб борилди ва темирчакларнинг 1 га майдонда сони ҳисоб этилган.

Темирчаклар тарқалган майдондаги йирқич, текинхўр, бўғиноёқлилар ва бошқа табиий кушандаларини ўрганиш Л.М. Копанева аниқлагичи ёрдамида бажарилган.

Темирчакларни етук зот(имога)ларини улар учрайдиган турли стациялардан энтомологик тутқич ёрдамида йиғиш йўли билан ўрганилди. Бунда ҳисобни стандарт энтомологик тутқични ўзидан ҳар икки томонга ҳаракатлантирилиб (жами 20 марта) олға юради ва тутқич халтачасига тушган ҳашаротларни сонини, уларни турларини қайд этиб борилди.

Лаборатория ва дала тажрибаларида зарарли темирчакларга қарши қўлланилган препаратларнинг биологик самарадорлигини аниқлашда В.В.Курдюков, Ш.Т.Хўжаев, Ф.А.Гаппаров услубида ҳисобланилди.

Препаратларнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаб чиқариш учун Н.Р. Гончаров ва б., услубидан фойдаланилди. Ўтказилган тажрибаларнинг натижалари К.А.Гар ва Б.А.Доспеховлар кўрсатган усули бўйича дисперсион таҳлил қилинди.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда темирчакларнинг тур-таркиби ва биоэкологик хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобида темирчакларни тур таркибини ўрганиш ва уларнинг ривожланиш хусусиятлари, кўпайиш сабаблари, қарши кураш чора тадбирлари бўйича тадқиқот натижалари баён этилган.

Ўзбекистонда темирчакларнинг 5 та авлод ва 12 та турлари кузатувларда аниқланиб, шулардан 5 таси қишлоқ хўжалик экинларига зарар келтириш аҳамиятига эга. Бу турлардан доминант 5 та тури қишлоқ хўжалигида зарар келтирувчилари **Думли темирчак** (*Tettigonia caudata*), **Яшил темирчак** (*Tettigonia viridissima*), **Оқпешона темирчак** (*Decticus albifrons*), **Оддий кулранг темирчак (***Decticus verrucivorus)* хамда **Плотников скачок** (*Semenoviana plotnikovi*) ҳисобланади (1-расм).



1-расм. Тадқиқотларда учраган ҳақиқий темирчаклар оиласини кичик таксономик бирликларга бўлиниш чизмаси
(Тошкент, Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари, 2007-2018 йй.).

Думли темирчаги (*T. caudata*) – мазкур тур вакиллари Европанинг ғарбида, Осиёда, Эронда нисбатан кенгроқ, Кавказ, Қозоғистон, Марказий Осиё ва Сибирда бирмунча камроқ тарқалган. Ўзбекистонда эса асосан Тошкент, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларида кўпроқ учрайди.

Яшил темирчаги (Т. *viridissima*) Африканинг шимолий қисмида, Европада, Афғонистонда, Ҳиндистоннинг шимолий қисмида, Монголиянинг ўрта зонасида, Кавказда, Қозоғистонда, Марказий Осиёда, Олтой ва Приморье ўлкаларида тарқалган. Яшил темирчаклар Ўзбекистонда асосан Жиззах, Тошкент, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларида кўпроқ учрайди. Бу темирчаклар ҳудудларда учрайдиган бошқа темирчакларга нисбатан анча йирик, яъни узунлиги тухум қўйгич қисми билан бирга 80 мм ни ташкил этиши билан алоҳида ажралиб туради.

Оқпешона темирчаги (D. *albifrons*) – Комор ва Мадейро ороллари да, шимолий Африкада, Европанинг жанубий қисмида, Афғонистон, Кавказда, Қозоғистонда, Марказий Осиёда кенг тарқалган. Ўзбекистоннинг асосан Тошкент, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида кўпроқ тарқалишини қайд этдик. Етук ёшдаги темирчак катталиги яшил темирчакдан кичикроқ (30-45 мм), аммо танаси бироз йўғонроқ, ранги эса кулранг, қанот усти қўнғир доғли, пешонаси оқиш тусда, ҳашаротнинг личинкаси етук зотига ўхшаш, лекин бироз кичикроқ ва қанотсиз бўлиши билан ажралиб туриши қайд этилди.

Оддий кулранг темирчаги (D. *verrucivorus*) асосан Европанинг ғарбида, Осиё, Монголия, Хитойнинг шимолий шарқий қисмида, Россияда, Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон тоғ тизмаларида кенг тарқалган. Ўзбекистоннинг асосан Тошкент, Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларида учратдик. Бу турдаги темирчаклар ўртача катталикда, танасининг узунлиги 29-30 мм, ранги тўқ яшил, аксарият пушти рангдаги ҳоллари кўп учраши аниқланган.

Плотников темирчаги (S. *plotnikovi*) Табиий шароитдаларда темирчакнинг тухумлари тупроқда диапауза (тиним) ҳолатида қишлаб қолади. Ўзбекистоннинг асосан Тошкент, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида тарқалиши кузатилди.

Зарарли темирчаклар катта ёшга ўтмасдан уларга қарши кураш чораларини олиб бориш зарур ҳисобланади. Биринчи ва иккинчи ёшдаги личинкалар асосан ўсимликларнинг ёш, майин юмшоқ қисмлари билан, катта ёшдаги личинкалари ва етук зотлари эса турли ўсимликларнинг мевалари, уруғлари билан озиқланади. Битта темирчак ҳаёти давомида 50-100 граммгача яшил ўсимлик билан озиқланиши мумкин. Аксарият темирчаклар июн ойининг иккинчи ярмидан то август ойигача тухум қўйиши давом этганлиги аниқланди.

Темирчакларнинг Ўзбекистонда Зафаробод, Зарбдор туманларида ҳамда Зомин, Бойсун, Боботоғ, Ҳисор тоғ бағирларидаги пичанзорларда, нам бор жойларда, сув ҳавзалари, канал, коллектор, ариқ бўйларида бутазорларда ва ўтлоқларда ҳам учраши аниқланди. Табиий ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик экинларига энг кўп зарар келтирувчи турлардан думли, яшил, оқпешонали ва кулранг темирчаклар эканлиги қайд этилди.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалиги экинларини зарарли темирчаклар зараридан ҳимоя қилиш чора-тадбирлари”** деб номланган тўртинчи бобида зарарли темирчакларга қарши агротехник кураш чоралари ҳозирги кунда ҳам арзон, ҳам атроф-муҳит ёки экологик тозалиги билан аҳамиятлидир. Ушбу агротехник тадбирларни афзаллиги шундан иборатки, зарарли темирчакларни маълум миқдорларини зарарини олдини олишига ёрдам беради. Кузатувларга кўра темирчаклар ўз ривожланишининг деярли барча босқичларида маълум кушандалар таъсирида табиий сони камайиб туради. Шуларни йиртқич бўғиноёқлилардан бешиктерватар, қўнғизлар, арилар, паррандалар, қушлар, йиртқич ўргимчакларнинг озиқаси сифатида темирчакларнинг кушандалиги эканлиги қайд этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки зарарли темирчаклар тарқалган жуда катта худудларда агротехника тадбирларини ва табиий кушандаларнинг аҳамиятига боғланишнинг имкониятлари чегараланган ва иқтисодий жиҳатдан қопламайди. Шу сабабли бошқа кураш чора-тадбирлари ўтказилмасдан зарарли темирчаклар зарарини бартараф этиб бўлмайди. Шунинг учун кенг ва самарали кураш усулларидан бири микробиологик ва кимёвий усуллар зарарли темирчакларнинг зарарини олдини олишда муҳим юқори самарадорликка эришилади.

Австралия давлатида “Becker Underwood Ptu” компанияси томонидан маҳаллий штаммлар ***Metarhizium anisopliae* var. *acridum.*** асосида ишлаб чиқарилган ушбу Грин Гард с.э. биопрепарат биринчи маротаба темирчакларнинг зарарли турларидан бўлган яшил ва оқпешона темирчакларига қарши лаборатория ҳамда дала тажрибаларида синаб кўрилди. Тажрибалар ЎҲҚИТИда ва Жиззах вилоятининг Зарбдор туманидаги “Тараққиёт” ҳудудида дала шароитида ўтказилди. 2010 йилда лаборатория шароитидаги тажрибаларда темирчаклар табиий равишда ўсган ўсимликларга Грин Гард с.э. биопрепарати билан ишлов берилди, андоза вариантида эса Номолт 15% сус.к. кимёвий препарати билан ишлов берилиб озиқлантирилди. Назорат вариантида эса темирчаклар оддий сув сепилган ўтлар билан озиқлантириб борилди. Ҳисоб кузатувларни тажриба қўйилганидан сўнг 1, 3, 5, 7, 9, 14, 19 кунлардан кейин ўтказилди. Тажрибанинг 1 ва 2 кунлари самарадорлик кузатилмади, аммо 3 кундан кейин 12,9%, 5 кундан кейин – 24,3%, 7 кундан сўнг – 44,7%, 9 кундан кейин эса – 73,6%, 14 кундан сўнг – 88,0% ва 19 кундан кейин эса 88,1% самара олинганлиги кузатилди. Кузатувлар даврида Метаризиум биопрепарати билан ишлов берилган вариантларда темирчаклар нобуд бўлишидан олдин касалланиб ҳаракатининг сустлиги, оёқларини узилиши, қанотлари ва танасининг қийшайиб қолиш ҳолатлари кузатилди. Андоза вариантида Номолт 15% сус.к. препаратини 0,05 л/га қўлланилганда 1 кундан сўнг 8,5%, 3 кундан кейин – 12,6%, 5 кундан сўнг 36,7%, 7 кунда 67,3%, 9 кундан сўнг 79,4%, 14 кундан кейин 88,7%, 19 кундан кейин 88,8% биологик самарадорликка эришилган.

Грин Гард с.э биопрепарати 0,5 л/га, андоза вариантида Номолт 15% сус.к. препаратини 0,05 л/га сарф – меъёрида қўлланилди. Тажриба натижаларига кўра метаризиум биопрепарати билан ишлов ўтказилгандан сўнг яшил, оқпешона темирчакларига қарши биологик самарадорлик 3 кунга бориб 9,3%, 5-кундан кейин – 24,9%, 7-кундан кейин – 36,9%, 9-кундан сўнг – 52,0%, 14-кундан сўнг – 76,9%, 21-кундан сўнг – 85,0% бўлган бўлса 24-кунда кейин эса – 84,2% ни ташкил этган (1-жадвал).

2011-2013 йилларда Жиззах вилоятининг, Зарбдор туманида, “Тараққиёт” ҳудудида бензолмочевина гуруҳига мансуб гормонал препаратини, яъни ҳашаротларнинг ўсиши ва ривожланишини бошқарувчи

1-жадвал.

Грин Гард с.э. *(Metarhizium anisopliae* var. *acridum*.) биопрепаратининг зарарли темирчакларга қарши биологик самарадорлиги
(Жиззах вилояти, Зарбдор тумани, “Тараққиёт” ҳудудидаги дала тажрибаси, ОВХ-600 (200 л/га) 2016-2017 йй.).

Вариантлар	препаратни қўллаш меъёри л/га	1 м^2 майдондаги темирчакларни ўртача сони, дона								
		ишлов-дан олдин	ишловдан кейинги кузатувлар, n кундан сўнг:							
			1	3	5	7	9	14	21	24
Грин Гард с.э.	0,5	22,5	22,5	20,4	16,9	14,2	10,8	5,2	3,4	3,6
Номолт 15% сус.к. (андоза)	0,05	23,8	21,9	21,0	15,4	9,3	6,6	4,0	4,5	4,8
Назорат (ишловсиз)	-	20,4	20,4	19,1	18,6	17,2	15,3	13,2	10,5	9,2
Биологик самарадорлиги, % хисобида										
Грин Гард с.э.	0,5	-	-	9,3	24,9	36,9	52,0	76,9	85,0	84,2
Номолт 15% сус.к. (андоза)	0,05	-	7,9	11,8	35,3	61,1	72,1	83,3	81,2	79,8
Назорат (ишловсиз)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	

ЭКФ$_{05}$= 0,58

инсектицидлардан: мерган ОФ-6, 6% м.с. (0,25 л/га) синаб кўрилди. “Тараққиёт” ҳудудида зарарли темирчаклар орасида оқпешона ва яшил темирчаклар кўплиги, яъни улар жами йиғилган ҳашаротларнинг 78,6% ташкил этиши аниқланди.

Ушбу препаратнинг темирчакларга токсик таъсири 3-кунида 25,6%, 7-кундан кейин юқори самара бера бошлади ва биологик самарадорлиги - 63,8%, 10-кунга келиб -76,8%, 15-кунга келиб эса -88,9%, 21 кундан бошлаб самараси пасайиб борди ва 87,8% ни, 23 куни эса 86,8% ни ташкил этди.

2011-2013 йилларда бензоилмочевина гуруҳига мансуб янги римон, 10% эм.к. (таъсир этувчи моддаси – новалурон) препаратини зарарли темирчакларга қарши биологик самарадорлигини ўрганиш мақсадида Жиззах вилоятининг Зарбдор тумани “Юксалиш” ҳудудида препаратни 0,03 ва 0,05 л/га сарф меъёрларида синов ишлари ўтказилди. Кузатувларда маълум бўлдики, гормонал препаратлар билан ишлов ўтказилганда дастлабки 2-3-кунлари самара деярли сезилмасада, аммо темирчакларнинг озиқланиши ва ҳаракатланиши кескин сустлашиб қолиши кузатилди.

Римон, 10% эм.к. препаратини 0,03 л/га сарф-меъёрида ишлатилганда 4-кундан бошлаб билогик самара намоён бўла бошлади. Самара ҳар иккала вариантда ҳам юқори бўлиб, 14-куни 0,03 л/га синалган вариантда 85,2% ни ташкил этди. 0,05 л/га сарфланган вариантда энг юқори самарага 19-кунига бориб 90,8% га етди (2-жадвал).

2014-2016 йилларда турли кимёвий гуруҳга мансуб воситаларни алмаштириб ишлатилганда, тадбирлар самарадорлиги юқори бўлишига эришилади. Жумладан, неоникотиноидлар гуруҳига мансуб бўлган пилармос 20% н.кук. (0,04-0,045 кг/га), имидор 20% эм.к. (0,05-0,1 л/га), фенилпиразоллар гуруҳига мансуб бўлган эконил 4% эм.к. (0,1-0,12 л/га) ва дербент 20% сус.к. (0,04-0,045 л/га) препаратларини дала тажрибаларимизда синаб кўрдик. Дала шароитида олиб борилган тажрибалар Тошкент вилояти, Қибрай тумани “Туркистон ҳарбий унитар хўжалиги” ҳудудида ўтказилди. Тажриба қўйиш даврида темирчаклар орасида думли ва яшил темирчаклар кўплиги, яъни улар сони 78,5% ни ташкил этиши аниқланди.

Тажрибалардан олинган натижаларга кўра имидор 20% эм.к. препаратининг 0,05 л/га қўлланилганда 3 соатдан сўнг 82,2%, 24 соатдан сўнг 88,4%, 72 соатдан сўнг 88,0% биологик самарадорликка эришилди, имидор препаратини 0,1 л/га ишлатилганда 3 соатдан сўнг 92,5%, 24 соатдан кейин 93,8%, 72 соатдан сўнг 93,4% зарарли темирчакларни нобуд бўлганлиги кузатилди. Пилармос 20% нам.к. препаратини 0,04 л/га меъёрда синалганда, ишлов берилган кейинги 3 соатдан сўнг 91,0%, 24 соатдан кейин 93,1%, 72 соатдан сўнг 88,5% биологик самарадорликка эришилди, пилармос препаратини 0,045 л/га ишлатилганда 3 соатдан сўнг 92,4%, 24 соатдан кейин 93,0%, 72 соатдан сўнг 87,5%, биологик самарадорликка эришилди.

Эконил 4% эм.к. препаратини 0,1 л/га қўлланилганда 1-кундан сўнг 79,2%, 3-кундан кейин 85,2%, 5-кундан сўнг 88,4%, 7-кунда 89,1%, 10-кундан сўнг 88,5%, 12-кундан сўнг 87,2%, 15-кундан кейин 86,1%, 21-кундан кейин 82,3%,

2-жадвал

Зарарли темирчакларнинг личинкаларига қарши Римон, 10% эм.к. препаратининг биологик самарадорлиги (Жиззах вилояти, Зарбдор тумани, “Юксалиш” ҳудудидаги дала тажрибаси, ОВХ-600 (200 л/га) 2012-2013 йй.).

Вариантлар	препаратни қўллаш меъёри л/га	1 $м^2$ ердаги темирчакларнинг ўртача сони, дона								
		ишлов-дан олдин	ишловдан кейинги кузатувлар, n кундан сўнг:							
			1	3	5	7	10	14	19	21
Римон, 10% эм.к. (т.э.м.- новалурон)	0,03	32,8	32,8	31,5	22,3	11,9	5,7	4,9	4,4	4,9
Римон, 10% эм.к. (т.э.м.- новалурон)	0,05	33,7	33,7	32,1	21,2	11,1	5,1	4,1	3,1	3,9
Номолт 15% сус.к (андоза) (т.э.м.- тифлубензурон)	0,05	31,2	28,7	27,2	19,8	11,4	6,9	5,2	4,3	4,8
Назорат(ишловсиз)	-	30,4	30,4	30,1	29,6	27,3	26,2	25,5	23,6	23.2
Биологик самарадорлиги, % да										
Римон, 10% эм.к. (т.э.м.- новалурон)	0,03	-	-	4,0	32,0	63,7	82,6	85,2	86,6	85,1
Римон, 10% эм.к. (т.э.м.- новалурон)	0,05	-	-	4,7	37,1	67,1	84,9	87,8	90,8	88,4
Номолт 15% сус.к (андоза) (т.э.м.- тифлубензурон)	0,05		8,0	12,8	36,5	63,5	77,9	83,3	86,2	84,6
Назорат(ишловсиз)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	

$ЭКФ_{05}$= 0,51

23-кундан сўнг 80,2% биологик самарадорликка эришилди, эконил препаратини 0,12 л/га ишлатилганда 1-кундан сўнг 85,4%, 3-кундан кейин 91,2%, 5-кундан сўнг 92,7%, 7-кунда 95,4%, 10-кундан сўнг 95,7%, 12-кундан сўнг 94,0%, 15-кундан сўнг 93,6%, 21-кундан кейин 89,4%, 23-кундан сўнг 87,8% биологик самара кўрсатган.

Дербент 20% сус.к. препаратини 0,04 л/га қўлланилганда 1-кундан сўнг 84,2%, 3-кундан кейин 87,1%, 5-кундан сўнг 88,8%, 7-кунда 89,2%, 10-кундан сўнг 88,7%, 12-кундан сўнг 88,0%, 15-кундан кейин 87,1%, 21-кундан кейин 85,8%, 23-кундан сўнг 83,2% биологик самарадорликка эришилди, Дербент препаратини 0,05 л/га қўлланилганда 1-кундан сўнг 85,6%, 3-кундан кейин 87,8%, 5-кундан сўнг 89,1%, 7-кунда 89,6%, 10-кундан сўнг 88,8%, 12-кундан сўнг 88,1%, 15-кундан сўнг 87,8%, 21-кундан кейин 86,1%, 23-кундан сўнг 84,8% биологик самарадорликка эришилди.

Зарарли темирчакларга қарши пиретроид гуруҳига мансуб препаратларнинг биологик самарадорлиги ўрганилганда Фаскорд, 100 г/л эм.к. 0,1 л/га; Атилла, 5% эм.к. 0,15 л/га; Эсфен альфа 5% к.э. 0,2 л/га; Суми альфа 20% эм.к. 0,1 л/га; сарф-меъёрларида синаб кўрилди. Кичик ёшлардаги (2-3) личинкаларга қарши юқоридаги препаратлар қўлланилгандан 3 соатдан ўтиб, мос равишда 82,7%, 90,1%, 91,3%, 92,8%; 24 соатдан кейин 85,6%, 92,1%, 93,2%, 94,5% ва 72 соатдан кейин 88,8%, 91,3%, 92,8%, 94,8% биологик самарани қайд этди.

Темирчакларнинг 4-5 ёшидаги личинкаларига қарши Фаскорд 100 гр/л - 0,12 л/га Карате, 5% эм.к. - 0,25 л/га; Эсфен альфа 5% к.э. - 0,4 л/га; Суми альфа 20% эм.к. - 0,1 л/га сарф-меъёрларда синаб кўрилди. Ўтказилган тажриба натижаларига кўра, биологик самарадорлик мос равишда 3 соатдан кейин 84,2%, 91,6%, 91,0%, 92,3%; 24 соатдан кейин 87,2%, 91,7%, 92,3%, 93,2% ва 72 соатдан кейин 83,5%, 90,8%, 90,2%, 91,2% ни ташкил этди.

2014-2015 йилларда Тошкент вилояти туманларида баҳор ойларининг охирларига келиб, темирчакларнинг оқпешона ва думли тури кўпайиб, етук зотларининг тўдалари Тошкент шаҳригача кириб келганлиги сабабли шу йили тез таъсир қиладиган пиретроид гуруҳига мансуб препаратлар темирчакларнинг етук зотларига қарши лаборатория шароитида ЎҲҚИТИ да, дала шароитида эса Тошкент вилоятининг Қибрай туманида синаб кўрилди.

Лаборатория тажрибалари махсус садокларда ўтказилиб, ҳар бир садокларга ўртача 20 донадан 25 донагача соғлом, етук зотлардаги темирчаклар қўйилди. Тажриба натижаларига кўра, Децис, 10% эм.к. препаратини 0,12 л/га сарф-меъёрида ишлов ўтказилганда 3 соатдан кейин 94,7% самара кўрсатган бўлса, 24 соатдан кейин 96,5%, ва 72 соатдан кейин эса 95,3% самара олинди. Атилла 5% эм.к. препарати 0,25 л/га меъёрида қўлланилганда 3 соатдан кейин 91,6%, 24 соатдан кейин 94,2%, 72 соатдан кейин 93,6% самара кўрсатди. Киллер 5% эм.к. 0,25 л/га препарати билан ишлов ўтказилганидан 3 соат ўтиб 92,6% самара кўрсатган бўлса, 24 соатдан кейин 96,1%, 72 соатдан кейин эса 95,4% самара олинди.

2014-2015 йилларда Тошкент вилоятининг, Қибрай тумани, Туркистон ҳудудида ўтказилган тажрибаларда темирчакларнинг етук зотларига қарши

препаратларни личинкаларга қарши самарали бўлган меъёрлари етарли даражада самара бермаслиги аниқланди. Шу сабабли зарарли темирчакларнинг етук зотларига қарши ўтказилган дала тажрибаларида бироз юқори сарф-меъёрида, яъни Децис, 10% эм.к. 0,12 л/га; Атилла, 5% эм.к. 0,3 л/га; Киллер, 5% эм.к. 0,3 л/га андоза вариантида Энтометрин, 25% эм.к. 0,4 л/га қўлланилди.

Децис, 10% эм.к. препарати билан 0,12 л/га меъёрида ишлов ўтказилганда 3 соатдан кейин 83,2%, самара кўрсатган бўлса 24 соатдан кейин 87,9%, 72 соатдан кейин эса 86,2%, самара олинди. Атилла 5% эм.к. препарати билан 0,3 л/га меъёрда темирчакнинг етук зотларига қарши ишлов ўтказилганда 3 соатдан кейин 82,6%, 24 соатдан кейин 85,9%, 72 соатдан кейин 82,6%, самара кўрсатди. Киллер 5% эм.к. 0,3 л/га препарати темирчакларнинг етук зотларига қарши қўлланилганда 3 соатдан кейин 80,3% самара кўрсатган бўлса, 24 соатдан кейин 83,5%, 72 соатдан кейин эса 82,8% самара олинди.

Андоза вариантда Энтометрин, 25% эм.к. препарати темирчакларнинг етук зотларига қарши 0,4 л/га ишлов ўтказилганда 3 соатдан кейин 79,5% самара кўрсатган бўлса 24 соатдан кейин 83,1% 72 соатдан кейин эса 82,9% самара олинди.

Диссертациянинг **“Зарарли темирчакларга қарши қўлланиладиган препаратларнинг иқтисодий самарадорлиги”** деб номланган бешинчи бобида кимёвий препаратлар турли гуруҳларга мансуб Эконил 4% эм.к., Пилармос 20% н.кук. ва Киллер 5% эм.к. препаратлари мисолида уларни қўллашнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлигини Тошкент вилояти, Қибрай тумани Туркистон ҳудудидаги “Зафаробод Ҳайдарова Агро” фермер хўжалигида олиб борилди. Бунда кунгабоқар биринчи экин сифатида етиштирилаётган далада олиб борилди. Думли темирчак мазкур ҳудудда нисбатан кўпроқ учраб, май, июн ойларидаги энтомологик тутқични ҳар 20 марта (1 та ҳисоб учун) йўналтирилганда ўртача 18-24 та темирчак личинкаси ва имогаси ҳисобга олинди. Айнан ана шу даврда кунгабоқар бош саватчаларидаги гул тўплари билан озиқланган темирчак ўсимликка ва унинг ҳосил тўплаш жараёнига катта талофат етказди.

Кимёвий препаратларни қўллаш харажатлари қуйидагиларни ташкил этди: препарат нархи, 1 га майдонга сарф-меъёри, препаратни ташиб келтириш, сақлаш ва қўллаш юзасидан қилинган харажатлар йиғиндисидан иборат бўлиб, ушбу харажатлар киллер препарати учун гектарига 33505 сўмни, эконил учун 33480 сўм, пилармос учун 32805 сўмни ташкил этди (3-жадвал).

Жадвалдаги маълумотларга кўра кунгабоқар ўсимлигидаги темирчакларнинг зарарли турларига қарши киллер, эконил ва пилармос препаратлари қўлланилганда ҳар бир гектар майдондан, муносиб равишда 2,5, 3,0 ва 2,0 центнер қўшимча ҳосил олинган. Шу қўшимча ҳосилни сотишдан 625000, 750000 ва 500000 сўм даромад олинди.

Кунгабоқарни темирчакнинг зарарли турларидан ҳимоя қилиш натижасида ҳосил етиштирилганда киллер препаратида гектаридан 625000 сўм, эконил препаратида 750000 сўм ҳамда пилармос препаратида 500000 сўм соф даромад олинди.

3-жадвал

Зарарли темирчакларга қарши қўлланилган кимёвий препаратларни иқтисодий самарадорлиги
(Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Туркистон ҳудудидаги “Зафаробод Ҳайдарова Агро” фермер хўжалиги, 2016 й.).

№	Кўрсаткичлар	Киллер	Эконил	Пилармос	Назорат
1	Суғориладиган ерларда кунгабоқар ҳосилдор-лиги, ц	18,0	18,5	17,5	15,5
2	Сақлаб қолинган ҳосил, ц	2,5	3,0	2,0	-
3	Етиштирилган 1 ц ҳосилни нархи, сўм	250000,0	250000,0	250000,0	250000,0
4	Кимёвий воситани қўл-лаш харажатлари, сўм	33505	33480	32805	-
5	1 гектар хосилни етиш-тириш харажатлари, сўм	2 978744	2 978744	2 978744	2 978744
6	Қўшимча ҳосилдан олинган фойда, сўм	625000	750000	500000	-
7	Жами харажатлар, сўм	3 012249	3 012224	3 011549	2 978744
8	Ҳосилни сотишдан олинган даромад, сўм	4 500000	4 625000	4 375000	3 875000
9	Соф даромад (фойда), сўм	1 487751	1 612776	1 363451	896256
10	Иқтисодий самарадорлик, сўм/га	591495	716520	467195	-
11	Ҳимояга сарфланган харажатнинг оқланиши, марта	17,7	21,4	14,2	-
12	Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг фойдалилиги (рентабеллиги), %	1765,0	2140,0	1424	-

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, Тошкент вилоятининг деҳқончилик шароитида кунгабоқар етиштириш сердаромад соҳа ҳисобланиб, бунда ўртача 1 гектар майдондан 4,625 млн. сўм даромад олинган, ёки уни ҳимояга сарфланган харажатнинг оқланиши 17,7-21,4 мартани ташкил этди.

Кимёвий препаратларни қўллаб, ҳимоя чоралари натижасида рентабеллик даражаси 1765,0; 2140,0 ва 1424,0% ни ташкил этиши аниқланди.

ХУЛОСАЛАР

1. Республиканинг бир қатор вилоятлари: Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарёда олиб борилган йўналишли кузатувлар асосида ҳақиқий темирчаклар *Tettigoniidae* оиласининг 5 авлодига (*Tettigonia, Platycleis, Fiev, Metrioptera Wesm, Conocephalus, Decticus*) оид бўлган 12 турдаги зарарли темирчаклар қайд этилди.

2. Тарқалиши, турли озиқа стацияларида зичлиги ҳамда ўсимликларга етказадиган зарарига кўра 5 та тури, яъни яшил темирчак (*Tettigonia viridissima*), оқпешона темирчак (*Decticus albifrons*), оддий кулранг темирчак (*Decticus verrucivorus*), думли темирчак (*Tettegionia caudata*) хамда Плотников скачок (*Semenoviana plotnikovi*) темирчаклари доминант турлар ҳисобланади.

3. Антропоген омиллар, хусусан деҳқончилик тизимида содир бўлган ўзгаришлар, экинлар структурасини ўзгаруви, суғориш тармоқлари қирғоқларидаги ва бошқа бўш-партов ерларни назоратсиз қолдирилиши чигирткасимонлар билан бир қаторда зарарли темирчаклардан келадиган зарарни ортишига сабаб бўлмоқда.

4. Темирчак тухумлик фазасида, тупроқнинг 2-3 см чуқурлик қисмида қишлаб қолади. Март ойининг охири апрелнинг бошларида ҳаво ҳарорати ўртача 12-14°С га етганда улар қишловдан чиқади. Личинкалик даври ўртача 40-50 кун давом этади. Етук зотлари қанот чиқаргандан сўнг 5-10 кун ўтиб урчий бошлайди ва улар ўртача 80-120 дона тухум қўяди.

5. Тошкент вилояти шароитида думли темирчак (*Tettegionia caudata*) 20 дан ортиқ ўсимлик турларига зарар етказиб, кўпроқ кунгабоқар, нўхат, ғўза, махсар, каноп, картошка ўсимликларининг гул ва барглари, олма, шафтоли мевалари билан озиқланиб ҳаёт кечиради.

6. Қайд этилган темирчаклар ривожланиш фенологияси бир-биридан деярлик фарқ қилмасада, аммо уларнинг морфологияси, яшаш муҳитларини ўзига хослиги, озиқа турига бўлган талабларидан фарқланиб туради, хусусан, оқ пешона темирчак лалми ерларда кўпроқ учраса, яшил темирчак лалми ерларни суғориладиган майдонлар билан туташ қисмларида, оддий кулранг темирчак эса аксинча воҳаларда, ўтлоқзорларда кўпроқ тарқалган.

7. Бўғиноёқлилардан бешиктерватар, қизил танли каналар, қўнғизлар, арилар, икки қанотлилар, ўргимчакларнинг айрим турларининг озуқасида темирчаклар муҳим ролни ўйнайди. Шунингдек юмалоқ чувалчанглардан мермитедлар, қушлардан тустовуқ, куркалар, қарға, чумчуқсимонлар, темирчакларнинг асосий табиий кушандалари ҳисобланади.

8. Зарарли темирчакларнинг кичик (2-3) ҳамда катта (4-5) ёшдаги личинкаларига қарши Циракс 25% эм.к. 0,2-0,35 л/га; Каратэ, 5% эм.к. 0,15-0,25 л/га; Эсфен альфа 5% к.э. 0,2-0,4 л/га; Суми альфа 20% эм.к. 0,1 л/га; Пилардельта 2,5% эм.к. 0,3-0,5л/га; Атилла, 5% эм.к. 0,15-0,25 л/га; Киллер, 5% эм.к. 0,15-0,25 л/га; Децис, 10% эм.к. 0,08-0,1 л/га; Энтометрин, 25% эм.к. 0,2-0,35 л/гектар сарф меъёрларда юқори биологик самарадорликка эришилди.

9. Зарарли темирчакларга қарши Киллер, Эконил ва Пилармос препаратларини кунгабоқардаги узун думли темирчакка қарши қўлланилганда сақлаб қолинган ҳосил 2,5; 3,0 ва 2,0 ц бўлди. Рентабеллик даражаси муносиб равишда 1765,0; 2140,0 ва 1424,0% бўлди.

10. Гормонал препаратлардан Мерган препарати 0,25 л/га сарф-меъёрида, Римон препарати 0,03-0,05 л/га сарф-меъёрида, зарарли темирчакларга қарши янги Грин Гард с.э. микробиологик препаратини 0,5 л/га сарф-меъёрида, кимёвий препаратлардан неоникотиноидлар гуруҳига мансуб, Пилармос 0,04-0,45 л/га ва Имидор 0,05-0,1 л/га, фенилпиразоллар гуруҳига мансуб Эконил 0,1-0,12 л/га ва Дербент 0,04-0,05 л/га препаратлари сарф-меъёрларида қўллаш тавсия этилди.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.QX.03.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ

НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ЗАЩИТЫ РАСТЕНИЙ

ХАМРОЕВ ИЛЁС АМИРОВИЧ

ИЗУЧЕНИЕ БИОЭКОЛОГИИ КУЗНЕЧИКОВ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СОВРЕМЕННЫХ МЕТОДОВ БОРЬБЫ С ИХ ВРЕДНЫМИ ВИДАМИ

06.01.09 – Защита растений

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ

ТАШКЕНТ – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.2. PhD/Qx311.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте защиты растений.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Гаппаров Фурқат Аҳатович** доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Торениязов Елмурат Шерниязович** доктор сельскохозяйственных наук, профессор
	Юлдашев Фаррухбек Эргашбоевич доктор филасофии по сельскохозяйственным наукам (PhD)
Ведущая организация:	**Институт зоологии АН РУз,**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Тел.: (+99871) 260-48-00, факс: (+99871)260-38-60, e-mail: tuag-info@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1 этаж, конференц зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером-538318). (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2, Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан « ___ » _____ 2019 года.

(реестр протокола рассылки номер _____ от « ___ » _____ 2019 года).

Б.А.Сулаймонов
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., академик

Я.Х.Юлдашов
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.с.х.н., доцент

М.М.Адилов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.с.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире кузнечики, саранчи, сверчки и медведки, относящиеся к отряду прямокрылых, считаются широко распространёнными насекомыми, и на планете их насчитывается более 20000 видов. На территории стран ближнего зарубежья распространено более 800 видов, и в настоящее время, вследствие размножения распространения и нанесения вреда вредными кузнечиками и саранчей в странах Африки, Азии и Австралии наблюдается снижение выращенного урожая[2]. На сегодняшний день, вследствие мирового кризиса, одной из актуальных задач является рациональное использование всех ресурсов, путем широкого внедрения сберегающих технологий в сельском хозяйстве, в частности в области защиты растений.

Одними из вредителей, наносящих серьёзный урон сельскохозяйственным культурам в мире являются вредные виды кузнечиков, относящиеся к отряду прямокрылых. Несмотря на то, что учёными в определённой степени были изучены виды этих вредителей, критерии нанесения ими экономического вреда, особенности развития, фенология, биоэкология, фауна распространения и видовой состав, требуется последовательно проводить научные исследования в этом направлении. Поэтому, необходимо собирать и накапливать новые научные сведения о данных вредителях, применять против них эффективные препараты и проводить безопасные для окружающей среды научно обоснованные меры борьбы.

Вследствие размножения вредных видов кузнечиков вокруг посевов хлопчатника, зерновых, садов и других сельскохозяйственных культур, и нанесения ими вреда снижается получаемый урожай, требуется проведение мер борьбы против вредителя. В этом отношении в пункте 3.3 Указа Президента Республики Узбекистан «Стратегия действий по дальнейшему Республики Узбекистан» УП-4947 от 7 февраля 2017 года одной из приоритетных задач отмечено «разработать и внедрить в производство мероприятия по защите растений от болезней и вредителей». В этой связи, важной стратегической задачей является проведение научно-исследовательских работ по определению видов вредных кузнечиков, наносящих существенный урон сельскохозяйственным культурам, изучению особенностей их развития и биоэкологии, а также применению эффективных и безопасных для окружающей среды методов борьбы.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, предусмотренных Постановлением Президента Республика Узбекистан от 29 декабря 2015 года ПП-2460 «О мерах по дальнейшему реформированию и развитию сельского хозяйства в 2016-2020 годы», Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-2640 от 24 октября 2016 года «О мерах по совершенствованию системы защиты растений и

[1]http://www.fao.ru

агрохимического обслуживания сельского хозяйства», а также другими нормативно-правовыми документами, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Исследования по изучению биологии, экологии, видового состава, систематического анализа, особенностей развития и вредоносности кузнечиков в различных регионах мира проводились такими зарубежными учёными, как Г.Я.Бей-Биенко, Л.Л.Мищенко, А.А.Бенедиктов, М.В.Столяров, Т.Б.Токгаев, А.В.Гарохов, а также отечественными исследователями А.А.Бекузиным, Р.Алимжоновым, Н.Э.Эргашевым, М.Ж.Медетовым и другими.

Однако, исследования по определению видов вредных кузнечиков, их распространению в различных стациях, наносимого ими вреда сельскохозяйственным культурам, а также борьбы против них проводились недостаточно.

Исходя из приведённых выше проблем, определение видов вредных кузнечиков на территории нашей республики, изучение особенностей из биоэкологического развития, а также определение эффективности микробиологических и относящихся к различным химическим группам инсектицидов, применяемых против них является актуальной проблемой.

